

1-1-2019

ENSURING FINANCIAL SUSTAINABILITY OF COMMERCIAL-BASED ACTIVITIES

R.H. Karlibayeva

Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,
k.raya3005@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Karlibayeva, R.H. (2019) "ENSURING FINANCIAL SUSTAINABILITY OF COMMERCIAL-BASED ACTIVITIES," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТИЖОРАТ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Карлибаева Рая Хожабаевна,
ТДИУ доценти, и.ф.д.
E-mail: k.raya3005@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятлари, унга таъсир этувчи омиллар, ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятлари, олимларнинг молиявий барқарорликка берилган таърифлари таҳлили, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий ресурсларни жалб қилиш қобилияти масалалари кўриб ўтилган.

Калит сўзлар: инвестицион жозибadorлик, тўлов қобилияти, кредит, ишлаб чиқариш, молиявий ресурслар, молиявий салоҳият.

Аннотация: В данной статье рассматриваются возможности обеспечения финансовой устойчивости субъектов функционирующих на коммерческой основе, описание факторов влияющие на финансовую устойчивость, характеристики производственной деятельности, анализ взглядов на финансовую устойчивость ученых, возможности привлечения финансовых ресурсов для субъектов функционирующих на коммерческой основе.

Ключевые слова: инвестиционная привлекательность, платежеспособность, кредит, производство, финансовые ресурсы, финансовые возможности.

Abstract: This article deals with the possibilities for maintaining financial sustainability of businesses, the factors influencing them, the characteristics of production activities, the analysis of the financial sustainability of scientists, and the ability to attract financial resources to commercial entities.

Key Words: investment attractiveness, solvency, credit, production, financial resources, financial capacity.

Кириш

Акциядорлик жамиятлари барқарор иқтисодий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири унинг молиявий барқарорлиги ҳисобланади. Молиявий барқарорлик акциядорлик жамияти муваффақиятли фаолиятининг асосий кўрсаткичи, истиқболдаги фаолият тараққиётига оид қарорлар қабул қилишнинг асоси ҳисобланади. Қолаверса, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг инвестицион жозибadorлик, кредит рейтинги ҳамда ҳамкорлар билан мустаҳкам иқтисодий алоқалар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда компаниялар маъмурияти ва молиявий хизмат тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг доимий мониторингига эътибор қаратилади.

Молиявий барқарорлик тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларнинг молиявий натижалари ва ҳолатининг барча жиҳатларини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланишига қарамай, миллий иқтисодиётни sanoat тармоғида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятларида унинг аҳамиятига жиддий эътибор қаратилмаётир. Айниқса, йирик тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларида ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятли жиҳати ҳисобланувчи бирмунча узоқ даврий ишлаб чиқариш ва молиявий цикли, юқори капитал сифимига

эга ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда юқори даражадаги муомала фондларининг мавжудлиги шароитида молиявий барқарорликни бошқаришга етарли эътибор қаратилмаяпти.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда молиявий барқарорликнинг мазмунини ёритишга нисбатан турли ёндашувларни кузатиш мумкин. Уларда молиявий барқарорлик маълум жиҳатлари билан ёритилган бўлса, айримларида бошқа жиҳатлари ёритиб берилган. Молиявий барқарорлик кўп омилли мавжудлик бўлиб, ички моҳиятини ҳар томонлама тўлиқ талқин этиш уни бошқаришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш учун муҳимдир.

Ўзбек иқтисодий энциклопедиясида корхоналар молиявий барқарорлигига меъёрдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи, ҳисоб-китобларни ўз вақтида тўлаш ва корхонанинг ижтимоий ҳамда бошқа эҳтиёжлари учун заҳираларни шакллантиришга имконият яратувчи барқарор молиявий ҳолати сифатида таъриф берилади [2]. Ушбу таърифда молиявий барқарорликка молиявий бошқаришнинг натижаси сифатида ёндашилмоқда.

Профессор Э.А. Ақромов эса, молиявий барқарорликка комплекс кўрсаткич сифатида корхона молиявий ресурсларини шакллантириш ва самарали фойдаланиш жараёнини тавсифлашни эътироф этади [3]. Ушбу тарифда молиявий барқарорлик бир томонлама ёритилган бўлиб, асосий урғу молиявий барқарорликнинг ички намоён бўлишига қаратилган.

А.В.Иброхимов ва Н.Ф. Ишонқулов, молиявий барқарорликни таҳлил қилиш корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг муҳим босқичи эканлигини ёритиб берилади [4]. Бунда молиявий барқарорликка молиявий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар тизими сифатида баҳо берилмоқда.

Профессор М.М. Тулаходжаева эса молиявий барқарорликнинг мазмун моҳияти қўшимча заҳиралар ва молиявий ресурслар манбаларининг шаклланиш жараёни сифатида таъриф бериб ўтади [5].

О. Бобожонов и К. Жуманиёзов эса, молиявий барқарорлик молиявий ҳисобнинг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлайди [6].

Молиявий таҳлил соҳасида молиявий барқарорликка берилган таърифларда, яхлит услубий ёндашув мавжуд бўлмаса-да, унинг айрим жиҳатлари ёритиб берилган. Аксарият ҳолатларда молиявий барқарорликни таҳлил қилишда маълум коэффицентлар тизими (тўлов қобилияти, ликвидлилик ва б.) орқали ёндашилган. Лекин, ички ва ташқи омиллар таъсирида ушбу коэффицентларнинг ўзгариш динамикаси кенг ёритиб берилмаган.

Ушбу масалада россиялик иқтисодчи Е.В. Гребещникова қуйидагича аниқлик киритади: корхонанинг молиявий барқарорлиги молиялаштириш манбалари таркибида етарли даражадаги хусусий капитал ва ташқи таъсирларга нисбатан молиявий мустақилликни таъминловчи доимий тўлов қобилиятига эга бўлган молиявий ҳолатдир [7]. Ушбу таърифда молиявий барқарорликнинг ташқи намоён бўлиши кенг ёритилган.

А.Д. Шеремет ва Е.В. Негашев эса молиявий барқарорлик молиявий ҳолатни тавсифловчи муҳим кўрсаткич эканлигини таъкидлайди [8]. Ушбу фикр молиявий

ҳолат корхонанинг молиявий барқарорлиги даражаси бўйича таснифланишига оид таклифлар тизимини ишлаб чиқишда яққол ёритиб берилган.

А.Д.Шереметнинг фикрича, корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти ўз заҳираларини унга мувофиқ келувчи молиявий ресурслар билан таъминлаш қобилияти, айланма маблағларни молиялаштиришни хусусий маблағлар ҳисобига молиялаштириш қобилиятидир,- деб таърифлайди.

И.А. Бланк и В.В. Ковалев эса корхоналар молиявий барқарорлиги хўжалик субъектларининг умумий молиявий таркиби, унинг кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси билан боғлиқлигини таъкидлайдилар [9].

Демак, ушбу таърифларда молиявий барқарорлик икки асосий жараёни ифодаловчи кўрсаткич сифатида ёритилмоқда. Булар, биринчиси, молиявий ресурсларнинг шаклланиши, фойдаланилиши ва тақсимлаш самарадорлигини тавсифлаб, бунда молиявий барқарорликнинг ички намоён бўлиши ифодаланади. Иккинчиси, капиталнинг молиявий таркиби самарадорлигини тўлов қобилияти, кредит қобилияти ва ликвидлилик орқали тавсифланиб, молиявий барқарорликнинг ташқи намоён бўлиши ифодаланади.

Юқоридаги назарий тадқиқотлар синтези асосида молиявий барқарорликка нисбатан биз қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: молиявий барқарорлик-тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг истиқболдаги ривожланиш контекстида фойда, капиталнинг барқарор ўсиши ва тўлов қобилияти ҳамда маълум риск шароитида ликвидлиликнинг меъёр даражасини таъминловчи молиявий ресурсларни бошқариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидир.

Молиявий барқарорликнинг ички намоён бўлиши бир томондан, харажатдан даромаднинг доимий равишда ортиқ бўлиши, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари пул маблағларини эркин маневрлаш ва узлуксиз такрор ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишни тавсифлайди. Демак, молиявий барқарорликнинг ички намоён бўлиши, ишлаб чиқариш жараёни учун зарур молиявий ресурсларни оптимал шакллантириш, тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиши орқали ифодаланади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг тижорат асосида фаолият юритувчи субъектлар масалалари бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий барқарорлик ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг барча жараёнларида шаклланиб, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари иқтисодий барқарорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий ресурслар ҳолати бозор муҳитига мос келиши ва тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари ривожланиш эҳтиёжлари талабларига жавоб бериши муҳимдир. Чунки,

етарли даражада бўлмаган молиявий барқарорлик тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг тўлов қобилияти пасайиши, унинг истиқболда ривожланиши учун зарур инвестицион-молиявий салоҳиятини пасайишига олиб келади.

Молиявий барқарорликнинг ташқи намоён бўлиши тўлов қобилияти, кредит олиш қобилияти ва ликвидлилик орқали ифодаланади. Тўлов қобилияти мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш қобилияти ҳисобланса, ликвидлилик тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг жорий мажбуриятларини қайтара олиш қобилиятини ифодалайди. Демак, молиявий барқарорликнинг ташқи намоён бўлиши актив ва пасивлар таркибининг сифат тавсифи билан белгиланади.

Тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари барқарорлигининг энг юқори мезони унинг ривожланиш қобилиятига эгаллиги. Бунинг учун тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларида адекват молиявий ресурслар таркибига ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шунга асосланган ҳолда аксарият иқтисодчилар кредит олиш қобилиятини ҳам молиявий барқарорликнинг асосий компоненти сифатида кўриб ўтадилар.



1-расм. Тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар чизмаси¹

Тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари тўлов қобилиятига кўп омиллар таъсир этади. Ушбу омилларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги расмда кузатиш мумкин. Расмдан кузатиш мумкинки, молиявий барқарорлик аввало ташқи омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бундай ташқи омилларга макроиқтисодий муҳит, тўлов тизими ва бозордаги конъюнктура таъсир этади. Юқоридаги расмда тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни кўриб ўтадим.

¹ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қолаверса, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг бозордаги мавқеи ва ишбилармон ҳамкорлик салоҳияти ҳам таъсир этувчи омил ҳисобланади. Чегараланган омиллар бу кўп ҳолатда ички омиллар ҳисобланиб, булар активлар, пассивлар ва молиявий натижаларни молиявий бошқарув тизимини ташкил этилганлигига ҳам боғлиқдир.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари фаолияти бўйича ҳисобланган молиявий мустақиллик коэффиценти ўртача саноат кўрсаткичларидан паст бўлмоқда. Албатта ушбу ҳолат саноатнинг айрим тармоғида фаолият юритувчи тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг молиявий ҳолати яхшиланишига олиб келган бўлса-да, хусусий капиталнинг ўсиши ҳисобига таъминланаётган ушбу ҳолат, тақсимланмаган фойданинг ўсиши ҳисобига эмас, балки мақсадли молиялаштириш ва тушумлар ҳисобига таъминланган.

Молиявий барқарорликнинг мутлақ кўрсаткичи заҳиралар ва уларни молиялаштириш манбалари билан таъминланганлик ҳолатини тавсифлайди. Буни қуйидаги 1-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Молиявий барқарорликнинг мутлақ кўрсаткичлари²

Хусусий жорий активлар мавжудлиги	Заҳира ва харажатлар учун хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағлар мавжудлиги	Заҳира ва харажатлар учун умумий манбалар ҳажми
$E_{CA} = E - F_{av}$	$SP = E_{CA} + D_{LT}$	$T_k = E_{CA} + D_{LT} + D_{ST}$
$\Delta E_{CA} = E_{CA} - R$	$\Delta SP = SP - R,$	$\Delta T_k = T_k - R$
Молиявий барқарорликнинг уч компонентли интеграл кўрсаткичи	$S = \{ \Delta E_{CA}; \Delta SP; \Delta T_k \}$	
Мутлақ молиявий барқарор	$S = \{1; 1; 1\}$, яъни $\Delta E_{CA} \geq 0; \Delta SP \geq 0; \Delta T_k \geq 0$	
Меъёрий молиявий барқарор	$S = \{0; 1; 1\}$, яъни $\Delta E_{CA} < 0; \Delta SP \geq 0; \Delta T_k \geq 0$	
Нобарқарор молиявий ҳолат	$S = \{0; 0; 1\}$, яъни $\Delta E_{CA} < 0; \Delta SP < 0; \Delta T_k \geq 0$	
Инқирозли молиявий ҳолат	$S = \{0; 0; 0\}$, яъни $\Delta E_{CA} < 0; \Delta SP < 0; \Delta T_k < 0$	

Жадвалда молиявий барқарорлик 3 компонентли кўрсаткичлар тизими орқали қуйидагича ифодаланган бўлиб:

$$S = \{ \Delta E_{CA}; \Delta SP; \Delta T_k \} \quad (1)$$

Бунда такрор ишлаб чиқариш жараёни учун зарур ҳажмдаги хусусий жорий активлар етарлилиги ёки етишмаслиги ($\pm \Delta E_{CA}$) мутлақ кўрсаткичларда ифодаланади.

Шунингдек, заҳираларни шакллантиришнинг хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағлари яъни барқарор пассивлар билан таъминланиш даражаси (ΔSP), заҳира ва харажатларни шакллантириш умумий манбаларининг етарли ёки етарли эмаслиги (ΔT_k) мутлақ кўрсаткичларда ифодаланади.

1-жадвал маълумотларига кўра, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъекти 2013-2018 йилларда нобарқарор молиявий ҳолатга эга. 2018 йилги ҳолатини кўриб ўтсак, узоқ муддатли активлар 2016 йилда 166,7 млрд. сўмдан 2017 йилда 766,6 млрд. сўмга кескин кўпайган бўлиб, шундан 126,6 млрд. сўм қисми хусусий капитал ҳисобига молиялаштирилган.

Узоқ муддатли қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобига инқирозли молиявий ҳолат эҳтимоллигининг олди олинган. Натижада 2016 йилда жами узоқ муддатли

² Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

қарзлар 62,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 625,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

2-жадвал

“А” тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий барқарорлиги таҳлили³, млрд. сўм

№	Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	2013й	2014й	2015й	2016й	2017й	2018й
1.	Хусусий жорий активларнинг шаклланиш манбалари (хусусий капитал)	E	207,8	231,1	138,5	167,9	126,6	998,9
2.	Узоқ муддатли активлар	F_a	101,7	113,6	139,9	166,7	766,6	1155,1
3.	Хусусий жорий активлар мавжудлиги (1 қ. - 2 қ.)	E_{CA}	106,1	117,5	-1,4	1,2	-640,0	-156,3
4.	Узоқ муддатли қарзлар	D_{LT}	7,4	2,9	8,8	61,1	625,5	1609,1
5.	Заҳира ва харажатларни шакллантиришга хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағлари мавжудлиги (3қ. + 4қ.)	SP	113,5	120,4	7,4	62,3	-14,5	1452,8
6.	Қисқа муддатли қарз маблағлар	D_{ST}	316,1	459,9	678,4	719,7	921,5	424,2
7.	Заҳира ва харажатларни шакллантиришнинг умумий манбалари (5 қ.+ 6 қ.)	T_k	429,6	580,3	685,8	782,0	907,0	1877
8.	Товар моддий заҳираларнинг умумий миқдори	R	167,9	201,3	287,4	316,9	365,9	224,6
9.	Заҳира ва харажатлар учун ортиқча(+) ёки етишмайдиган (-) хусусий жорий активлар (3 қ.- 8 қ.)	ΔE_{CA}	-61,8	-83,8	-288,8	-315,7	-1005,9	-380,5
10.	Заҳира ва харажатлар учун ортиқча(+) ёки етишмайдиган (-) хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағлари (5 қ.- 8 қ.)	ΔSP	-54	-80,9	-280,0	-254,6	-380,4	1228,2
11.	Ортиқча(+) ёки етишмайдиган (-) заҳира ва харажатлар учун умумий манбалар ҳажми (7 қ.- 8 қ.)	ΔT_k	261,7	379,0	398,4	465,1	541,1	1652,4
12.	Молиявий барқарорлик турининг 3 компонентли кўрсаткичи	ΔE_{CA} $S = \Delta SP$ ΔT_k	{0; 0; 1}	{0; 0; 1}	{0; 0; 1}	{0; 0; 1}	{0; 0; 1}	{0; 1; 1}

Демак, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектида узоқ муддатли активларни хусусий капитал ва барқарор пасивлар ҳисобига қоплаш имконияти мавжуд бўлмаган (-14,5 млрд. сўм). Натижада унинг маълум бир қисми жорий мажбуриятлар ҳисобига қопланиши тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектнинг тўлов қобилияти йўқолиши эҳтимолини кучайтирмоқда. Қолаверса, жорий активларнинг 2017 йилда тўлиғича жорий мажбуриятларга боғлиқлиги ҳам тўлов қобилиятига салбий таъсир этган.

2018 йилда тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектни нобарқарор молиявий ҳолатдан олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар олиб борилган. Ушбу ҳолат

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

асосан, жорий мажбуриятларни қисқартириш, хусусий капиталнинг давлатнинг мақсадли молиялаштириш тизими орқали олинганлиги ва узоқ муддатли банк кредитларини жалб қилиш натижасида барқарор пассивлар кўпайиши ҳисобига таъминланган. Қолаверса товар моддий-заҳираларни тайёр маҳсулотни қисқартириш ҳисобига камайганлиги ҳам таъсир этмоқда.

Бу, ўз навбатида, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъекти молиявий хизмат тизими олдида жорий активларни тизимли бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш зарурлиги долзарб вазифага айланишига сабаб бўлади.

Жорий ҳолатда тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъекти активларини бошқариш самараси ўлароқ тадқиқ қилинаётган корхонада меъёрий молиявий барқарорлик кузатилаётган бўлса-да, 2013-2018 йилларга мўлжалланган рестроспектив таҳлил маълумотлари активларни бошқариш тизимига нисбатан тизимли ёндашув билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини тасдиқлайди. Қолаверса, активларни бошқаришга йўналтирилган жорий бошқарув тизими, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектининг истиқболдаги ривожланиш режасини намоён этувчи стратегия билан уйғунлашмаганлигини кузатиш мумкин.

Буни, аввало, активларнинг ҳар қайси элементи ва унинг компонентлари бўйича кўрсаткичлардаги хаотик тебранишлар мавжудлиги ва ушбу тебранишларни ифодаловчи кўрсаткичлардаги ўзгаришлар асосан жорий фаолиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ стихияли қарорлар қабул қилиш натижаси эканлигини кўриш мумкин.

Бу, ўз навбатида, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъектларининг истиқболдаги рақобатбардошлигини ошириш учун тезкор ва стратегик молиявий бошқарув тизими уйғунлиги шароитида уни тизимли ташкил қилиш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса

Хулоса қилиб шунини айтиш жоизки, тижорат асосида фаолият олиб борувчи субъекти молиявий хизмат тизими олдида жорий активларни тизимли бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш зарурлиги долзарб вазифага айланишига сабаб бўлади.

Фикримизча ушбу хулосадан келиб чиққан ҳолда, кредит олиш қобилияти кўрсаткичи молиявий барқарорликга таъсир этишини ҳисобга олиб, молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятида кредит қобилияти кўрсаткичидан эмас, балки нисбатан комплекс тавсифга эга инвестицион жозибадорлик кўрсаткичидан фойдаланиш лозим. Чунки молиявий ресурсларни жалб қилиш қобилияти фақатгина қарз маблағларини жалб қилишнинг асосий индикаторларига қаратилмаслиги керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси, “Халқ сўзи” газетаси. 7 феврал 2017.16.
2. Узбекская экономическая энциклопедия.-Т.:Фан, 2008. – с.314.
3. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятий.- Т.: «ТГЭУ», 2008 – с.61-64.

4. Вахабов А.В., Иброхимов А.Т., Ишанкулов Н.Ф., Молиявий ва бошқарув тахлили, -Т.: Шарк, 2005.– с.217.
5. Тулаходжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни тахлил қилиш.- Т.: Аудит, 2007. – с.46.
6. Бобожонов О., Жуманиезова К. Молиявий ҳисобот, Т.:-Молия, 2002. – с.16.
7. Гребещникова Е.В. Финансовая устойчивость промышленного предприятия и способы ее обеспечения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.- Москва, 2007.- с.9.
8. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа, 3-е изд.,- М.:Инфра, 2012. – с.139.
9. Бланк И.А., Ковалев В.В. Финансовый анализ, изд. 3-е, -М.:Бухгалтерский учет, 2012. – с.19.
10. Бородина Е.И. Финансовый анализ в системе менеджмента организации//Экономический анализ: теория и практика. 2008, №22 (127) ноябрь.